

## I. МИЛЛИЙ ТАРАҚКИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Принципы национального развития  
Principals of national development*

### ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ДАВР ТАЛАБИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

**С.Сафоев**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари,  
Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия университети ректори*

Конституцион ислоҳот ҳалқимиз тарихида чуқур из қолдиражак ва жамиятимиз келажагани белгилаб берадиган ўта муҳим жараён бўлди. Шакшубҳа йўқки, янгилangan Boш Қомусимиз мамлакатимиз тараққиётида янги даврни бошланишини англатади, барча жабҳаларида дадил улкан ўзгаришларга замин яратди. Бежиз эмаски ушбу хужжат ватанимиз ва ҳорижда ўзига катта эътибор жалб қилди ва чуқур қизиқиш билан ўрганилмоқда.

\* \* \* \* \*

2016 йилдан кейин ўткан тарихан қисқа вақт мамлакатимиз, ўзбек ҳалқи ҳаётида туб бурилиш, янгиланиш, улкан ютуқлар ва залворли ҳодисаларга бой давр бўлди.

Халқимиз ўзини, ўз қадрини ўзгача англай бошлади, шоир ибораси билан айтганда “ўзбекнинг елкасига офтоб тегди”. Мамлакатнинг ривожлантириш модели – тараққиёт парадигмаси – батамом ўзгарди. Ўзбекистонда янги сиёсий ва ижтимоий муҳит яратилди. Инсонларда дахлдорлик ва масъулият ҳиси пайдо бўлмоқда. Аҳоли тобора ахборотга эга ва ҳукуматга нисбатан талабчан бўлмоқда. Ҳокимият нафақат давлатни бошқарув тизими, балки аҳоли ва бизнесга хизмат кўрсатиш маркази сифатида кўрилмоқда.

Ватанимизда ислоҳотлар ортга қайтмайдиган, барқарор, муттасил тус олаётгани энг ёрқин кўринишларидан бири – бу парламент ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг жамиятимизда тутган ўрни ўзгариб боришида кўринмоқда. Депутатларнинг сиёсий фаоллиги ҳар томонлама ўзгариб, турли даражадаги вакиллик органлар ишини ташкил қилиниши ва

уларнинг роли янги характерга эга бўлмоқда. Парламент назорати орқали ҳалқ вакиллари, депутат ва сенаторлар, ҳукуматнинг фаолияти самарадорилиги оширишга, ижро хокимияти ўз ваколатини сунстеъмол қилишининг олдини олишга ҳамда унинг олиб бораётган сиёсати ҳалқ орзуистакларига мос келишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Давлат бюджети молиявий марказизлаштириш, маҳаллий ҳокимиятларнинг имкониятларини кенгайтириш борасида янги қадамлар амалга оширилди. Қўшимча тушумларни тақсимлашда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бевосита иштироки тарихимизда биринчи бор жорий этилмоқда.

Жаҳон тарихидан маълумки, чуқур тизимли ислоҳотларни бошидан кечираётган давлатларда, одатда, иқтисодий ўсиш кузатилмайди. Аммо Ўзбекистон амалиётида кенг қўламли сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида, яъни 2017–2021 йилларда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 53 млрд доллардан 82 млрд долларга, яъни 24 фоизга кўпайди. Айни вақтда, саноат ишлаб чиқариши 34 фоизга ўсади ва бу иқтисодиётда бўлаятган тизимий ўзгаришларни кўрсатади .

Солик ислоҳоти амалга оширилди, тадбиркорлик билан боғлиқ бюрократик қоидалар соддалаштирилди. Экспорт ва импорт учун божхона тўловлари камайтирилди, экспорт 1,5 ошди. Хорижий инвестициялар 2,4 млрд доллардан 11,1 млрд долларга ошди.

\* \* \* \* \*

Шу билан бирга, жамиятимиз модернизациясининг бошланғич вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ биринчи босқичи яқунланди. Ислоҳотларнинг кейинги босқичи мураккаброқ сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни талаб қиласди.

Ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Австрия хавфсизлик сиёсати институти вице-президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламентлараро Ассамблеяси собиқ президенти Кристин Муттонен янги Конституциямиз лоиҳаси ҳақида сўз юритар экан “Ўзбекистонни бугун ислоҳотлар сари фақат олдинга қадам ташлайдиган тезюарар поездга” ўхшатди.

Халқаро майдонда Ватанимизнинг мутлақо янгича қиёфасини яратилди. Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бири, Осиё юрагига айланмоқда.

Президентимиз ташабусси ва раҳнамолигида амалга ошира лаятган янгиланган ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистон **минтақавий мавқеъга давлат мақомини ишонч билан қўлга киритмоқда**.

Хуллас, рақобатбардош, замонавий мамлакат барпо этишнинг бошланғич вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ биринчи босқичи мувафақиятли якунланди. Энди, мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “*мамлакатимиз тараққиётини янги погонага олиб чиқиши учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак*”.

Бу эса, янги конституциявий маконни яратиш заруратини жамиятимиз олдида кўндаланг қўйди.

Фикримча, янги Конституциямиз Ўзбекистоннинг минтақавий мавқеъга эга давлат сифатидаги янги эришган мақомига монанд, фаол дипломатияни изчил олиб бориш учун мустаҳкам ҳукуқий пойdevор яратади.

\* \* \* \* \*

Ўзбекистоннинг янги Қомусини дунёдаги вазият тақазо этмоқда.

Авваламбор, жаҳонда чуқур инқироз ва стратегик мавхумлик ҳукм сурмоқда. Халқлар тинчлиги ва давлатлар барқарорлигига таҳдидларнинг вайронкор таъсири кескин ортиб бормоқда.

Бу шароитда, ягона тўғри йўл – давлатчилигимизни мустҳамлаш, тараққиётимизда стратегик изчилликни таъминлашдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадаки, чуқур ислоҳотлар ҳеч қачон осон ўтмайди. Уларни илгари суриш учун масъулиятли Ҳукумат, кучли парламент, яхлит, самарадор бошқарув тизимини керак. Давлат раҳбари, Президент ислоҳотларнинг раҳнамоси ва давомийлигини гарantiдир.

Янгилан Конституция лойиҳаси айнан шу оддий ва хаётий, исботни талаб этмайдиган ақидани акс этади ва шу билан халқимиз истагига ва хорижий давлатлар тажрибасига тўла мос келади.

Конституциянинг умумхалқ муҳокамаси шуни англадатики, жамият парламентнинг бугунги даврга мос, халқчил органга айланишини хоҳламоқда. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлимига оид келиб тушган тақлифларнинг қарийб бешдан бир қисми парламентни ислоҳ қилишга таълуқлидир.

Бугунги кунда ижро ҳокимияти органлари ихчамлашмоқда. Бу жараён ушбу органлар устидан парламент назоратини амалга оширувчи Сенатга ҳам дахлдор бўлиши, биз ҳам ихчамлашишимиз даркор.

Шу аснода, жойлардан тенг вакилликни сақлаб қолган ҳолда, сенаторлар сонини 65 нафар этиб белгилаш таклиф этилмоқда. Сенаторлар сонига мутаносиб тарзда Сенат қўмиталари сони ҳам мақбуллаштирилиши зарур.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунлар Сенатда олтмиш кун ичида қўриб чиқилиши лозимлиги белгиланяпти. Агар юқори палата бу муддат ичида қонунни қўриб чиқмаса, ушбу қонун имзолаш учун тўғридан-тўғри Президентга юбориш амалиётини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Мазкур қоида қонун ижодкорлигига оид тартибни соддалаштиришга хизмат қиласди.

Бундай амалиёт Чехия, Польша, Япония, Қозоғистон, Россия каби давлатларнинг парламент фаолиятида қўлланилади.

Лойиҳада кўзда тутилган ўзгартишлар фаолиятимизда мавжуд параллелизм, ортиқча мажлисбозлик, хисоботларни самарасиз эшлиши каби иллатлардан ҳоли қилишга қаратилган.

Янгиланган Конституциянинг катта халқаро аҳамияти, дунёдаги тобора ортиб бораётган бекарорлик, йирик давлатлар ўртасидаги кескин ўзаро ишонч танқислиги ва қарама-қаршилик, кучайиб бораётган зиддият ва рақобат билан белгиланади.

\* \* \* \* \*

Ташқи сиёсатимиз олдида янги, илгари худди унчалик долзарб эмасдек туюлган, вазифаларни гавдалантирувчи.

Хозирги таҳликали даврда, Конституциямизнинг 17-моддасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик каби принциплар билан бир қаторда халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири бўлмиш давлатларнинг худудий яхлитлиги принципига ҳам асосланишини белгилаб қўйиш ўта ўринлидир.

Таъкидлаш лозимки, Конституциямизга “давлатларнинг худудий яхлитлиги” ташқи сиёсатнинг асосий принципларидан бири сифатида илк маротаба киритилмоқда.

Бундан ташқари, етакчи эксперт ва мутаҳассисларнинг яқдиллик билан айтаятган ҳулосасига кўра, Марказий Осиё тақдири, унинг истиқболи, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг мувафақияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ва ниҳоят, Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ўзида замоновий демократик тамойиллар билан биргаликда чуқур тариҳий илдизларга эга бўлган ананавий қадриятларни мужассамлаган оёб хуқуқий хужжат бўлмоқда.

Бу эса йирик макро-минтаقا халқлари учун, замонамизнинг асосий муммоси – жадал модернизация ва азалий манавиятни қандай қилиб уйғунлаштириш мумкин деган саволга, ниҳоятда муҳим намуна сифатида кўрилиши мумкин.

\* \* \* \* \*

Мамлакатимизда амалга оширилаятган халқчил ислоҳотлар жамиятимизда катта умидлар уйғотди. Ўтказилган умумхалқ муҳокама шуни кўрсатмоқдаки, бу умидлар янгилangan Конституция лойихасида ўз ифодасини топди.

Конституция – декларация эмас, бу амалий ҳаракат дастуридир.

Ишончимиз комил: Янгилangan Бош Қонун Ватанимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги тақдири учун ҳизмат қиласи. Халқимиз, келажак авлодлар уни ёркин самарасини гувоҳи бўладилар.